

Тошкент ислом институти ректори Хитой муслмонлар жамияти раиси билан учрашди



15:53 / 29 июль 574

Россия Федерацияси муслмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий, шайх Равил Гайнутдин таклифига биноан, Тошкент ислом институти ректори Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов Қозон шаҳрида ўтказилган «Маънавий ипак йўли: Катта Евроосиё маконида анъанавий қадриятларнинг маъноси» мавзусидаги V Халқаро илмий-теологик конференция давомида Хитой муслмонлари жамияти раиси Ма Ихуэй билан учрашув ўтказди. Унда томонлар ўзаро фикр-мулоҳазалар олиб боришиб, бугунги кунда Хитой Халқ Республикаси ҳам бир қанча тадбирларда фаол иштирок этиб келаётгани таъкидланди. Ма Ихуэй бир неча йил олдин Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида зиёратда бўлгани, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний ва Имом Мотуридий каби алломалар айнан Ўзбекистон замиридан етишиб чиққани ҳамда мазкур алломалар ислом оламида мислсиз хизмат қилиб ўтишганини мамнуният билан эсга олди. Ма Ихуэй Хитой муслмонлари Марказий Осиё давлатлари хусусан, Ўзбекистон муслмонлари идораси раҳбарияти билан ҳам яқин алоқалар ўрнатиш ниятидалигини маълум қилиб, фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон

мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратларига ўзларини самимий саломларини етказишни сўради.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Хитой алоқалари қадимдан ривожланиб келаётгани, қадимий қўлёзма манбаларда Хитой ва Марказий Осиё ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилгани ҳақида гапириб ўтилди.

Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов Дунхуанда топилган археологик ашёлар қадимдан бу ерда Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Тошкентдан келган савдогарлар яшаганини тасдиқлайди. Ўрта асрларда Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари хитой тилига таржима қилиниб, чин халқ таботатини ривожлантиришда кенг фойдаланилган. Бугунги кунда Хитой билан савдо, иқтисодий-сиёсий ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янги босқичлари бошлаб юборилган.

Хитой Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб, 1991 йил 27 декабрда тан олган мамлакат ҳисобланади. Ҳозирда Хитой Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. У мамлакатимизнинг стратегик шерикларидан бири ва энг асосий савдо-иқтисодий ҳамкори ҳисобланади.

Икки мамлакат алоқаларининг ривожига туртки бераётган омиллардан бири, бу давлат раҳбарларининг олий даражадаги ташрифлари ҳисобланади. Ушбу ташрифлар ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. 1992-2023 йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг ўзаро ўнлаб давлат ташрифлари амалга оширилди. Биргина 2023 йилда Президент Шавкат Мирзиёев икки марта Хитойга ташриф буюрди: 8-19 май кунлари Циан шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё – Хитой» илк саммитида иштирок этган бўлса, 17-18 октябрда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган «Бир камар, бир йўл» 3-халқаро форумида қатнашганини таъкидлаб ўтди.

Учрашув сўнггида Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов учрашувни ташкил этгани учун Ма Ихуэй жанобларига самимий миннатдорлик изҳор қилиб, икки давлат диний соҳа вакиллари турли илмий конференция ва симпозиумларда иштирок этишлари бўйича маслаҳатлашиб, Хитой мусулмонлари жамияти билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорликка доим тайёрлигини маълум қилди.